

Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини

Мажбурий суғурта қилиш

ШАРТНОМАСИ

03-01/058110000030-сон

2022 й. «10» 10

17-3-43-МА/2022-сон

Арнасой

ш.

Кейинги ўринда “Иш берувчи” деб аталадиган “**Чўлқувар**” Маданият маркази раҳбари **Б.Хусанов** Низом асосида ҳаракат қиладиган бир томондан ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2008 йил «07» январдаги 2-SF сонли буйруғига берилган 00202-сонли лицензия асосида ҳаракат қиладиган, кейинги ўринларда “Суғурталовчи” деб аталадиган “**Ўзагросуғурта**” АЖ бошқарувининг 2022 йил 01-июндаги № 05-06/90F-18SM Ишончнома асосида ҳаракат қиладиган **Жиззах вилоят филиали “Арнасой” суғурта маркази** бошлиғи **Дониёров Раббимқул Хасанович** орқали иккинчи томондан ушбу шартномани қуйидагилар тўғрисида тузадилар;

1. Шартноманинг предмети

1. Суғурталовчи ушбу шартномага ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24 июлдаги № 177-сон қарои билан тасдиқланган Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидаларига мувофиқ суғурта ходисаси юз берган тақдирда иш берувчига, жабрланувчига ёхуд наф олувчига меҳнатда олган майиблиги, касб касаллиги ёки ходимнинг ушбу шартнома амал қиладиган даврда меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда соғлигининг бошқача тарзда шикасланиши муносабати билан ходимнинг ҳаётига ёки соғлиғига етказилган зарарни тўлаш мажбуриятини олади.

2. Суғурта пули ва суғурта мукофоти

2.1 Суғурта пули ушбу шартнома бўйича **28 021 020.0** (йигирма саккиз миллион йигирма бир минг йигирма) сўм,

2.2. Дафн пули **900 000** (тўққиз юз минг) сўмни ташкил қилади.

2.3. Суғурта мукофоти ушбу шартнома бўйича **16 000.0** (ўн олти минг) сўмни,

2.4. Суғурта мукофоти ушбу шартнома тузилган санадан бошлаб беш иш куни мобайнида бир йўла туланади.

3. Шартноманинг кучга кириши ва амал қилиш муддати

3.1. Ушбу шартнома томонлар имзолаган вақтдан бошлаб ғазначилик органидан руйхатдан ўтганидан сунг кучга қиради ва 31.12.2022 йилгача амал қилади.

Суғурталовчининг мажбуриятлари суғурта мукофоти суғурталовчининг ҳисоб рақамига тушган кундан кейин кундаги 24 соат 00 дақиқадан бошлаб кучга қиради ва мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полисида кўрсатилган суғурта даврининг охири санасидаги 24 соат 00 дақиқада тугайди.

3.2. Суғурта мукофоти иш берувчи томонидан суғурталовчининг ҳисоб рақамига нақд пулни ўтказиш ёки киритиш йўли билан тўланади. Пул маблағларининг суғурталовчининг ҳисоб рақамига тушган санаси мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурта мукофоти тўланган сана ҳисобланади.

4. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

4.1. Иш берувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга;

суғурталовчидан мажбурий суғурта қилиш шартномасининг шартларини тушунтириб беришни талаб қилиш;

суғурталовчининг суғурта товонини тўлашни рад этиш тўғрисидаги қарори юзасидан белгиланган тартибда шикоят қилиш;

йиллик иш ҳақи миқдори камайганда суғурта мукофотининг йиллик иш ҳақи миқдорининг камайишига ва иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасининг тугалланмаган даврига мутоносиб қисмини олиш.

Иш берувчи конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳужжатларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.2. Иш берувчи;

мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича ва айрим ҳолларда аннуитетлар шартномаси бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган шартлар асосида ва тартибда суғурта мукофотини тўлаши;

йиллик иш ҳақи миқдори ўзгарган пайтдан эътиборан беш иш кунидан кечиктирмай бу ҳақда суғурталовчига ёзма шаклда хабар қилиш;

иш берувчи томонидан амалга оширилаётган фаолият турларининг хавфлилик даражаси ўзгарган пайтдан эътиборан беш иш кунидан кечиктирмай бу ҳақда суғурталовчига ёзма шаклда билдириши ва зарур бўлган ҳолларда, қўшимча ҳисоблаб чиқарилган суғурта мукофотини тўлаши;

ходимларни мажбурий суғурта қилиш шартномаси шартлари билан таништириши, шу жумладан, мажбурий суғурта шартномаси бўйича томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириши;

суғурталовчи ва аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи ҳақида барча зарур маълумотларни жабрланувчи ёки наф олувчи ёзма шаклдаги ариза билан мурожаат қилган санадан эътиборан икки иш кун ичида тақдим этиши;

суғурталовчини ишлаб чиқаришда бахтсиз ходиса юз берганлиги тўғрисида ўзига маълум бўлган вақтдан бошлаб уч иш кун ичида мобайнида ёзма шаклда хабар қилиш;

агар суғурта товони жабрланувчи ёки наф олувчи томонидан қилинган сунистеъмолчилар оқибатида асоссиз равишда тўланган бўлса, ортиқча тўланган суғурта товони ҳақида суғурталовчига хабар қилиши ва ортиқча тўланган маблағларни суғурталовчига қайтариш юзасидан чора-тадбирларни кўриши шарт.

Иш берувчи зиммасига қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам олиши мумкин.

4.3. Суғурта куйидаги ҳуқуқларга эга;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ходисаларни текширишда иштирок этиш ва зарур бўлган ҳолларда тегишли экспертларни жалб этиш;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ходисага доир ахборотни текшириш;

суғурта мукофотини аниқлаш учун суғурта хавфини баҳолаш;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ходисаларнинг олдини олиш юзасидан тавсиялар бериш.

Суғурталовчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.4. Суғурталовчи;

мажбурий суғурта қилиш шартномаси шартлари билан иш берувчини таништириши, шу жумладан унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириши;

ўз фаолиятини амалга ошириш натижасида олинган, иш берувчи ва (ёки) жабрланувчи ёхуд наф олувчи тўғрисидаги маълумотларнинг махийлигини таъминлаши;

суғурта товонини тўлашни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, иш берувчи суғурта товонини тўлаш учун мурожаат этганидан кейин ўн беш иш кунидан кечиктирмай бу ҳақда иш берувчига рад этиш сабабларини далиллар билан асослантирган ҳолда ёзма шаклда хабар қилиши;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24 июндаги 177 –сон қарори билан тасдиқланган Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидаларининг 34-банида назарда тутилган барча зарур ҳужжатлар тақдим этилган санадан эътиборан ўн иш кунидан кечиктирмай қарор қилиши ва суғурта товонини тўлаши;

Ўзи алмаштирилган тақдирда бу ҳақда иш берувчига дарҳол ёзма шаклда хабар бериши шарт.

Суғурталовчи зиммасига қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам олиши мумкин.

5. Томонларнинг жавобгарлиги

5.1. Томонлар мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича ўз зиммасига қабул қилинган мажбуриятларнинг бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги юзасидан қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

6. Низоларни ҳал этиш тартиби

6.1. Ушбу шартномадан келиб чиққан барча низолар ва келишмовчиликлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

7. КОРРУПСИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР

7.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир томони ўзига нисбатан қўлланиладиган барча, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик ва норматив ҳужжатларидаги Коррупсияга қарши тегишли шартлар ва талаблар тушуниши ҳақида бир-бирини ишонтиради ва уларга амал қилишини қафолатлайди.

7.2. Иш берувчи ушбу шартнома амалда бўлган бутун давр мобайнида у (шунингдек унинг мансабдор шахслари, директори, ходимлари, агентлари ва бошқа вакиллари) Суғурталовчининг манфаатларида унинг агенти ёки вакили сифатида ҳаракат қилиб, Суғурталовчининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик ва норматив ҳужжатларининг Коррупсияга қарши тегишли шартлари ва талабларига қатъий риоя этиш мажбуриятини олади.

8. Суғурта суммаси, суғурта мукофоти ва мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта мукофотини тулаш тартиби

8.1. Мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта мукофоти иш берувчи томонидан, мажбурий суғурта қилиш шартномаси тузилган санадан бошлаб беш иш куни мобайнида бир йўла туланади.

Суғурта мукофоти нақд пул билан туланган тақдирда суғурталовчи (унинг филиали ёки суғурта агенти) томонидан пул маблағлари қабул қилиб олинган сана тулов санаси ҳисобланади. Суғурта мукофоти нақд пулсиз туланган тақдирда пул маблағларининг суғурталовчи (унинг филиали ёки суғурта агенти) ҳисоб рақамига тушган санаси суғурта мукофоти туланган сана ҳисобланади.

Иш берувчининг ҳисоб рақамидаги пул маблағлари етарли булган тақдирда мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта мукофоти тулаш иш берувчининг ишлаб чиқариш фаолияти билан бевосита боғлиқ булган кечиктириб булмайдиган эҳтиёжларига мувофиқлашган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

9. Яқуний қоида

9.1. Ушбу шартномани ўзгартириш, бекор қилиш ва муддатидан олдин тўхтатиш тартиби суғурта бўйича эътирозларни кўриб чиқиш тартиби, ушбу шартнома бўйича кўрилган зарар миқдорини аниқлаш ва суғурта товонини тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24 июндаги 177-сон қарори билан тасдиқланган, ушбу шартноманинг узвий қисми ҳисобланадиган иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидаларига мувофиқ белгиланади.

Томонлар форс-мажор ҳолатлари амал қилган даврда мажбурий суғурта қилиш шартномаси ва (ёки) аннуитетлар шартномаси бўйича ўз мажбуриятларининг қисман ёки тулиқ бажарилганлиги учун жавоб бермайдилар.

Форс-мажор вазиятлари юзага келганда ва тухтаганда томонлар ёзма шаклда бир-бирини хабардор қиладилар.

Форс-мажор вазиятлари юзага келган тақдирда мажбуриятларини бажариш муддатини томонлар форс-мажор вазиятлари мавжуд буладиган вақтга мутаносиб тарзда кечиктирадилар.

10. Тарафларнинг реквизитлари

Суғурталовчи
«Узагросуғурта» АЖ Арнасой суғурта
маркази

Манзили: *Арнасой туман Ғолиблар*
шаҳарчаси

Телефон/факс **72-372-13-22**

СТИР **201042345**
ОКОНХ **96210**

х/р: **20210000000101169263**

Банки: **АТБ «Микрокредитбанк» Жиззах**
филиали
МФО **_00135**

Иш берувчи
«Чўлқувар» маданият маркази

Манзили: Арнасой туман Чўлқувар МФЙ

Телефон/факс **99-350-50-62**

СТИР: **309340314**
ОКОНХ: **—**

ш/х: **100022860082017082310056008**

Молия Вазирлиги ягона Газна ҳисоб варағи
х/р: **23 402 000 300 100 001 010**
Марказий банк Тошкент шаҳар ХККМ
Ғазначилик стир 201122919
МФО **_00014**

11. Тарафларнинг имзолари ва муҳрлари

Суғурталовчи
Раҳбар: **Р.Дониёров**



Иш берувчи:
Раҳбар: **Б.Хусанов**

М.У



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2007 йил 12 июлдаги 177-сон қарори билан тасдиқланган иш берувчи фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидаларини олдим.



Б.Хусанов

ARNASOY TUMANI MADANIYAT BO'LIMI
YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING
QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA
HUQUQIY XULOSA

FR23207257

1.Loyihaning turi – shartnoma.

2.Loyihaning nomi – 03-01/058110000030-sonli Ish beruvchining fuqarolik javobgarligini majburiy sug'urta qilish shartnomasi.

“Sug'urtalovchi” – O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi tomonidan 2008 yil «07» yanvardagi 2-SF sonli buyrugiga berilgan 00202-sonli lisenziya asosida harakat qiladigan, keyingi o'rinlarda “Sug'urtalovchi” deb ataladigan “O'zagrosug'urta” AJ boshkaruvining 2022 yil 01-iyundagi № 05-06/90F-18SM Ishonchnoma asosida xarakat kiladigan Jizzax viloyat filiali “Arnasoy” sug'urta markazi boshlig'i Doniyorov Rabbimqul Xasanovich

“Ish beruvchi” - Arnasoy tuman Madaniyat bo'lim mudiri v.b S.Zoidova

3.Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana – “Arnasoy tuman Madaniyat bo'limi” 2022 yil 27 sentyabr.

4.Loyiha bo'yicha taklif va e'tirozlar:

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan.

Arnasoy tuman yuridik
xizmat ko'rsatish markazi
30.09.2022 yil



Arnasoy tuman



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MOLIIYA VAZIRLIGI

Sug'urtalovchilar va sug'urta brokerlarining
sug'urta faoliyatini amalga oshirishga

LITSENZIYA

Seriya SF

00202 -son

O'zbekiston Respublikasi Moliya Vazirligining 20 08 yil " 07 " yanvar dagi

2-SF -sonli buyrug'iga asosan mazkur litsenziya "O'zagrosug'urta"
(litsenziya egasining to'liq nomi)

aksiyadorlik jamiyati ga

umumiy sug'urta sohasida majburiy va ixtiyoriy shakllarda quyidagi klasslar:

- 1-klass – Baxtsiz hodisalardan ehtiyot shart sug'urta qilish;
- 2-klass – Kasallikdan ehtiyot shart sug'urta qilish;
- 3-klass – Yer usti transport vositalarini sug'urta qilish;
- 4-klass – Harakatlanadigan temir yo'l tarkibini sug'urta qilish;
- 5-klass – Aviatsiya sug'urtasi;
- 6-klass – Dengiz sug'urtasi;
- 7-klass – Yo'ldagi mol-mulkni sug'urta qilish;
- 8-klass – Mol-mulkni olovdan va tabiiy ofatlardan sug'urta qilish;
- 9-klass – Mol-mulkni zarardan sug'urta qilish;
- 10-klass – Avtofuqarolik javobgarligini sug'urta qilish;
- 11-klass – Aviatsiya sug'urtasi doirasidagi javobgarlikni sug'urta qilish;
- 12-klass – Dengiz sug'urtasi doirasida javobgarlikni sug'urta qilish;
- 13-klass – Umumiy fuqarolik javobgarligini sug'urta qilish;
- 14-klass – Kreditlarni sug'urta qilish;
- 15-klass - Kafillikni (kafolatlarni) sug'urta qilish;
- 16-klass – Boshqa moliyaviy tavakkalchiliklardan sug'urta qilish;
- 17-klass – Huquqiy himoya qilish bilan bog'liq xarajatlarni sug'urta qilish

bo'yicha sug'urta faoliyatini amalga oshirishga ruxsat etiladi.

Litsenziya egasining manzili (pochta adresi): O'zbekiston Respublikasi, 100017,
Toshkent shahri, Yunusobod tumani, Mustaqillik maydoni, 5

Litsenziya egasining soliq to'lovchi sifatida identifikatsion raqami: 201042345

Litsenziya berilgan sana: 20 15 yil "03 " iyul

Reyestr bo'yicha tartib raqami: 196

Mas'ul shaxs: Yusupov B.M.

(F.I.SH.)

(imzo)

M.O.

№ 00202



UZINSURANCE

Jizzax viloyat filiali

O'zbekiston Respublikasi, Jizzax v. 130100
Jizzax shahri, Zargarlik mahallasi -7
Telefon: (72) 226-57-50, Faks (72) 226-23-78
jizzax@agros.uz

2022 yil " 7 " *May*

№ *05-06/90F - 18 119*

ISHONCHNOMA

"O'zagrosug'urta" aksiyadorlik jamiyati (matnda bundan buyon – Jamiyat deb yuritiladi) nomidan 2022 yil "14" fevralda berilgan 05-06/90F-sonli Bosh ishochnoma asosida harakat qiluvchi Jamiyatning Jizzax viloyat filiali Boshqaruvchisi v.v.b Qodirov Sharof Shuxratjonovich, "Arnasoy" sug'urta markazi menejeri Daniyurov Rabbimqul Xasanovichga (pasport AA2413657, 05.08.2013 yilda Jizzax viloyati Arnasoy tumani IIB tomonidan berilgan) Jamiyat nomidan va uning manfaatlarini ko'zlab harakat qilish, "Sug'urta markazlari to'g'risida"gi Nizom bilan belgilangan barcha vakolatlarini bajarish, quyidagi manfaatlar doirasida O'zbekiston Respublikasi hududida Jamiyat nomidan quyidagilarni amalga oshirishga vakolat beraman:

- Jamiyat tomonidan tasdiqlangan qoidalar va limitlariga (*Jamiyat Boshqaruvining 2020-yil 30-sentyabrdagi 177-sonli majlis bayonnomasi qarori*) muvofiq Jamiyat nomidan sug'urta shartnomalarini imzolash;

- moddiy javobgar shaxslar bilan to'liq, jamoaviy va individual moddiy javobgarlik to'g'risida shartnomalarni imzolash;

- tashkilotlar, muassasalar va korxonalar bilan belgilangan tartibda hamkorlik to'g'risida kelishuvlarni imzolash;

- sudlarda da'vogar va javobgar vakili sifatida qatnashish;

- sudlarda barcha protsessual harakatlarni amalga oshirish;

- sud hujjatlari ustidan shikoyat qilish va vakolatli organlarga protest keltirish to'g'risida xatlarni imzolash, shuningdek sud hujjatlarining majburiy ijro etilishini talab qilish to'g'risidagi xatlarni imzolash.

Kredit qaytmasligi tavakkalchiligi bo'yicha hamda bojxona to'lovi bilan bog'liq bo'lgan sug'urta shartnomalarini imzolash, uchinchi shaxslar majburiyatlari bo'yicha kafil bo'lish, investitsiya faoliyatini amalga oshirish hamda asosiy vositalarni sotib olish va sotib yuborish Daniyurov Rabbimqul Xasanovichning vakolatiga kirmaydi. Sug'urta markazi menejeri bu harakatlarni faqatgina Jamiyat Boshqaruvining yozma roziligi bilan amalga oshirishi mumkin.

Ushbu ishochnoma Daniyurov Rabbimqul Xasanovichga "Arnasoy" sug'urta markazi menejeri sifatida ishlagan davri uchun belgilangan bo'lib, berilgan sanadan boshlab kuchga kiradi va 2022 yil 31 dekabrgacha amal qiladi.

Filial boshqaruvchisi v.v.b

Sh.Sh. Qodirov